

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	5
<b>1.Кобзева О. П.</b> ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
<b>2.Кебадзе М., Лекидзе Т.</b> XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
<b>3.Холиқова Р.Э.</b> БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
<b>4.Муҳитдинова Ф.А.</b> СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
<b>5.Ҳайдаров М.М.</b> УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
<b>6.Абраров С.А.</b> ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
<b>7.Рахмонқулова З.</b> XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
<b>8.Абдуллаев Ў.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
<b>9.Абдурасулова Д.Т.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
<b>10.Абдурахманова Ж.Н.</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
<b>11.Азаматова Г.Б.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**  
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,  
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**  
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА  
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**  
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ  
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА  
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ  
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**  
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР  
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**  
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ  
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**  
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ  
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА  
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ  
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**  
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН  
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**  
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK  
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING  
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**  
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Аҳмедова Рашида,  
Кўқон давлат педагогика институти  
катта ўқитувчиси  
ahmedovarashida@mail.ru

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

*For citation: Ahmedova Rashida. THE EMERGENCE OF PRIMARY HEALTH CARE FACILITIES IN UZBEKISTAN. (IN THE OF THE FERGHANA DALIN). Look to the past. 2020, SI, pp. 117-123*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-15>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда курорт ва санаторияларни ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар ёритилган. Хусусан Фарғона воёдисида вужудга келган ва Россия мустамлакаси даврида ташкил этилган санатория-курортлар масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Н.А.Семашко, Педов, снатория, курорт, Чортоқ, Шохимардон, Чимён.

Аҳмедова Рашида,  
старший преподаватель  
Кокандского педагогического  
института имени Мукими  
ahmedovarashida@mail.ru

## ВОЗНИКНОВЕНИЕ УЧРЕЖДЕНИЙ ПЕРВИЧНОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В УЗБЕКИСТАНЕ (В ПРИМЕРЕ С ФЕРГАНСКОЙ ДАЛИНОЙ)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещаются вопросы изучения появления и становления

санатория курортного оздоровительных заведений в Узбекистане. В том числе изучениями вопросов становления санаторно курортных заведений во время правления Российской империей Ферганской долиной.

**Ключевые слова:** Н.А.Семашко, Педаву, санатория, курорт, Чартак, Шахимардан, Чимган.

**Ahmedova Rashida,**  
senior teacher of Kokand State  
Pedagogical Institute named after Mukimi  
ahmedovarashida@mail.ru

## THE EMERGENCE OF PRIMARY HEALTH CARE FACILITIES IN UZBEKISTAN (IN THE OF THE FERGHANA DALIN)

### ABSTRACT

This article describes the process of organizing resorts and sanatoriums in Uzbekistan. In particular, the issue of sanatoriums and resorts established in the Fergana valley during the colonial period of the Russian colonization were analyzed.

**Index Terms:** N.A. Semashko, Pedov, sanatorium, resort, Chartak, Shakhimardan, Chimgan.

Долзарблиги. Курортлар ишининг туристик соҳасини энг қадимги кўриниши ҳисобланади. Қадимги даврдан одамлар минерал сувлар ва шифобахш балчиқлардан саломатликларини тиклаш мақсадида фойдаланишни билишган. Шу сабабдан табиий омилларнинг кўплаб шифобахш хусусиятлари қадимги даврлардан маълум бўлган. Мўъжизакор шифобахш булоқлар инсонлар саломатлигини тиклашдаги асосий манба бўлиб хизмат қилиб келган. Бу масалалар ҳақида буюк аллома Абу-Али-ибн Сино ўз асарларида, хусусан "Табобат фани қонунлари" деб номланган асарида ҳам ўз аксини топган ва айниқса офтобдан фойдаланиб даволанишга кўпроқ эътибор берган ва беморларга иқлимнинг таъсир қилиш моҳиятини алоҳида таҳлил этиб ўтган. У дори дармон билан даволашнинг терапевтик самараси, иқлимнинг маълум даражадаги аҳамияти, йилнинг фасллари ва мавсумига боғлиқ бўлади, деб таъкидлаган [1]. Шу билан бир вақтда бу воситаларни офтоб билан даволанишга мослаб, минерал сув манбаларидан ҳам фойдаланиб келганлар. Булар ҳозирги кунда ҳам асосий терапевтик курорт воситалари ҳисобланади.

Шу сабабдан Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаётнинг асосий омилларидан ҳисобланган инсон саломатлиги ва уни ҳимоялаш жараёнларида, соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилиб келаётган ишларни ўрганиш, айниқса, мамлакатимиз курорт-санаториялари ва уларнинг тарихини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Чор Россияси даври биринчи курортларнинг пайдо бўлиши билан характерланади, бу курортлар санитария-гигиена станциялари деб юритилган [1]. XIX аср охирларига келиб шифобахш лой билан даволаниш кенг йўлга қўйган. Айниқса, гўзал ва бой табиатига эга бўлган, Фарғона водийси чор Россияси тадқиқотчилари диққатини ўзига

тортган. Рус олимлари томонидан жойнинг хусусиятлари ўрганилган ва натижада бу ер даволаниш учун фойдали деб топилган, шифохона қуриш учун тавсиялар берилган.

Бу даврда ташкил этилган санитария-гигиена станциялари, давлат муассасалари сингари, асосан подшолик армиясининг офицерларига, Туркистон ўлкасининг идора хизматчилари, амалдорларига хизмат қилган ва бу станцияларда маҳаллий зодогонлар, савдогарлар ҳам ўз соғликларини тиклаб келган. Шу асосида Чимёнда, Хайробод ва Қоратепа иқлимий санитария-гигиена станциялари юзага келган.

Бир қанча вақтлардан сўнг даволаниш мақсадида минерал сув манбаларидан фойдаланишга киришилди. 1877 йилда Андижон уездининг врачлари Д.Мездриков Ҳазрати Айюб булоқларини текширди. Шу даврдан бошлаб ҳозирги Жалолобод курорти рус аҳолисига маълум бўлиб қолди.

Фарғона водийсини ўз ичига олган Фарғона областининг аҳолиси XIX аср охирида Оқ-Сокентдаги шифобахш лой билан ҳам даволаниб келган [1]. Айниқса гўзал ва бой табиатга эга бўлган, ҳозирда ўз аҳамиятини йўқотмаган Водил, Фарғона аҳолисининг диққатини ўзига тортган. Иқлимий жиҳатдан анчагина илмий-текширишлардан ўтказилган бу жой даволаниш учун фойдали деб топилган ва унда шифохона қуриш тавсия этилган.

Касалликларни даволовчи дастлабки европача турдаги курорт Ўрта Осиёда "янги" Марғилон ва Андижонда шифокор бўлиб ишлаган И.Бунин томонидан Педовда (Қўқон уезди) 1881 йили ташкил қилинган. Бу манба Фарғона водийсининг жанубий қисмида Куйбишев райони, Риштон шаҳридан жанубда 8-9 км узоқликда жойлашган. Риштондан Педовгача бўлган йўл тупроқли йўлдан иборат бўлган ва бу жойлар сувсиз саҳро жойларини ташкил этган [6].

Педовдаги сув манбаларининг ҳарорати 20-20.5 градусни ташкил этган. Бу сув манбасини биринчи бўлиб химик Тейих 1880 йилда Тошкент химия лобараториясида [7] таҳлил этган. Шундан сўнг 1927 йилда профессор В.А.Новиков, 1934 йилда химик Иоффе, 1935 йилда Оқулич-Казаринов мазкур сув манбаининг таркибини ўрганганлар [8]. Уларнинг таҳлили ўртасидаги бир мунча фарқ, сувни йилнинг турли фаслларида ва сув манбаининг турли жойларида олинганлиги билан изоҳланади. Таҳлиллар натижаси, бу ердаги сув олтингугурт-водород, сульфат-хлорид, кальций, натрий, магнийга бой эканлигини кўрсатди.

1881 йилда Педовда, доктор Бунин беморларнинг курорт даволанишини ташкил этган, бу ерда 8 та уй, ванна хона, ошхона ва хўжалик бинолари қурилган ҳамда боғ ташкил этилган. Бу ерга келувчи беморлар сони кўп бўлган ва даволаш яхши натижалар берган. Педовга Риштон шаҳрининг яқинлиги курортни сут маҳсулотлари, гўшт, сабзавот, мева ва керакли ишчи кучи билан таъминлашага ёрдам берган [10].

Мазкур курорт 3 йил фаолият юритган. 1883 йилда Бунин вафотидан кейин курорт ўз фаолиятини тўхтатган. 1936 йилга келиб Бунин қурдирган бинолардан ҳеч қайсиси сақланиб қолмаган, у эктирган 12 минг дарахтдан фақат бир қанчаси сақланиб қолган, қолганлари ўтинга ишлатиб юборилган [9]. Педовдаги олтингугурт-водород манбалари орқали юрак қон томир касалликлари, жумладан мия томирлари, склерози, гипертония, сурункали фликсит, тромбофлибит, турли неврологик касалликлар, қандли деабет, жигар ва ўт пуфаги касалликлари, суяк-бўгин, мускул касалликлари, сурункали остит, бурсит, артрит, радикулит, фликсит, неврит, аёлларнинг сурункали шамоллаши, тери касалликлари даволанган.

XIX асрнинг 70-йилларидан россиялик шифокорлар даволанишда қўлланиладиган минерал сувларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратишни бошлашган. Шифокор Кушелевский ўз асарларида Жалолободда машҳур Ҳазрат Аюб суви ҳақида, Педовдаги олтингургут-ишқорли булоқлар ва Ахсикент шўр қўллари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Ўша давр газеталаридан бири "Туркестанские ведомости" саҳифаларида шифокор Шиманский Чимён санитар станцияси ва П.П.Сакиричнинг "Ҳазрат Аюб минерал булоғи" ҳақидаги мақоласи нашр қилинган. Шифокор Бунин бу жойларни илк бор 1878 йилда кўриб кетган, бу булоқда чўмилиш беморларга шифобахш таъсири маълум бўлганидан сўнг эса, у ерга ташриф буюрган.

Ахсикент шўр кўли Фарғона вилояти Наманган уезди Қамишқўрғон қишлоғида жойлашган. Кўл 1-2 вершок туз билан қопланган, куз ойларида у янада кўпайган ва 5 вершокка етган, кўл майдони эса 310 гектардан ортигини ташкил этган. Архив манбаларида Ахсикент кўли ҳақида батафсил маълумот берилган, хусусан, маҳаллий аҳоли орасида кўл машҳур бўлган ва турли касалликлардан фориг қилувчи, даволовчи ҳисобланган. Кўл қирғоғида туз қатламидан нарида беморлар учун ёғоч уйчалар қурилган бўлиб, кўлнинг ўзида эса чўмилиш учун 2 бўлимга ажратилган, аёллар ва эркаклар учун алоҳида ванналар қўйилган [2].

### 3. Тадқиқот натижалари:

1912 -1914 йилларда у ерда тиббий ёрдам кўрсатиш учун 1 та шифокор ишлаган. 1915 йилнинг ноябрь ойида қишлоқда яшовчи бир шахс бу кўлни ижарага беришларини сўраб мурожат қилган, бироқ рад жавобини олган, чунки бу ерда курорт қуриш режаси мавжудлиги назарда тутилган [5].

Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг Россия империяси фуқоролари Германия ва Австро-Венгрияда даволаш курсини ўтай олмасликлари сабабли, ҳукумат Россия империясида "даволаш жойлари" ни ташкил этиш масаласини кўтарди. Унга кўра 1914 йили Фарғона вилояти Ахсикент кўлига икки нафар олимдан ташкил этилган экспедиция ҳавода, сувда, балчиқда радиий борлигини аниқлаш учун жўнатилди. Экспедиция қатнашчиларидан бири А.П.Смирновнинг фикрича, Ахсикент кўлида табиий эманатор борлиги аниқланган, камдан-кам учрайдиган сунъий эманатор модда алмашинуви ва ревматизмни даволашда асосий восита ҳисобланган. Уни ўрнатиш жуда қимматга тушган ва бундай эманатларда даволанишга фақат тор доирадаги бойларгина қурби етган, холос.

Экспедиция аъзолари текширув натижасида кўпгина сабабларга кўра бу ерни муҳим курорт зонаси бўлишига асос борлигини аниқлашган, яъни бу ерда кимёвий таркиби бой балчиқ ва тузли сувлар бўлиши билан бирга ичимлик сувининг яқинлиги ҳам даволанувчи кишиларга қулайлик туғдирган [4].

1915 йили Давлат ер мулк департаменти томонидан бошқармага хат юборилиб, унда Россия империясида даволаш жойлари ташкил этиш ишига давлат даражасидаги вазифаси сифатида қаралади. Шу сабабли Давлат ер мулк департаменти жойлардаги мавжуд курортлар, қимиз-даволаш масканлари, иқлимий станциялар ва дала ҳовлилар ҳақида, шунингдек, шундай даволаш масканлари ташкил этилиши мумкин бўлган жойлар ҳақида маълумот жўнатишни сўрайди, натижада Туркистон шифобахш булоқлари рўйхати қайта кўриб чиқилди [3].

XX аср бошларига келиб санитария-гигиена станцияларидан ташқари, курорт типидagi даволаниш масканлари вужудга кела бошлади. 1919 йилда собиқ ҳукумат томонидан имзоланган декретга биноан, бутун курорт ва санаториялар соғлиқни

сақлаш тизими ихтиёрига ўтказилди ва аҳоли учун хизмат қила бошлайди.

1924 йилдаги Туркистонда ўтказилган "миллий давлат чегараланиши" натижасида санитария-гигиена ва янги ташкил этилган курортлар Ўзбекистонни маъмурий чегарасидан ташқарида қолиб кетиши мамлакат соғлиқни сақлаш тизими олдида қисқа вақт ичида янги курортлар яратиш вазифасини вужудга келтиради. Натижада 1932 йилга келиб бу вазифани амалга ошириш, 1919 йилда ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Н.А.Семашко номидаги физик йўл билан даволаш илмий-текшириш институти зиммасига юклатилади. Кейинчалик бу институт Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортларни ўрганиш илмий-текшириш институтига айланди [11]. Бу институт жамоаси 1947 йилдан бошлаб Ўзбекистондаги янги даволаниш жойларини ахтариб топиш, уларни ўрганиш юзасидан катта ишларни амалга оширади.

Мамлакат соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилган ишлар натижасида Шоҳимардон тоғ-иқлим курорти ва 34 та болалар иқлимий санаториялари ташкил этилади, лекин маълум мудатлардан сўнг уларнинг кўпчилигини яроқсиз эканлиги маълум бўлади. Кейинчалик эса Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортларни ўрганиш илмий-текшириш институти Ўзбекистонда касалликларни даволовчи янги масканларни аниқлашга эришди. Натижада ҳозирги Наманга вилоятида жойлашган Чортоқ курорти вужудга келди ва шу тариқа бошқа курортлар пайдо бўла бошлади.

1932-1933 йилда Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортларни ўрганиш илмий-текшириш институти Фарғона вилояти Водил туманидаги Шохимардоннинг даволанишга қулай бўлган жойларини ўрганиб чиқади ва бу ерда ўпка-сил касалликларини даволаш учун Ўзбекистонда биринчи бўлиб иқлимий санатория қурилди [12].

1947 йилнинг октябр ойида Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортларни ўрганиш илмий-текшириш институти томонидан Чортоқдаги қудуқлардаги отилиб турадиган сувларни текшириш учун проф. В.М.Файбушевич, проф. Р.И.Евсеев, геолог-минералогия фанлари номзоди Б.А.Бедерлардан иборат тадқиқотчиларни Наманган вилоятига юборилади. Текширув ишлари натижасида Чортоқ сувининг шифобахш эканлиги аниқланди ва у ерда 1948 йилдан курорт қуриш масаласи ўрганила бошланади. Институт Чортоқдаги ўрганиш жараёнларини уч йил олиб борди ва натижада Ўзбекистонда ҳозирги замон касалликларни даволовчи курортни қуриш учун имкониятларни очиб берди. Ушбу курорт 1971 йил 17 март ойида Ўзбекистон Министрлар советининг №104-сонли Қарорига асосан Республика миқёсида курортлар қаторига киритилган [13].

"Чортоқ" курортидаги оромгоҳларни, дам олиш масканларини очилиши ва иш тартиби Ўзбекистон Министрлар советининг 1973 йил 5 сентябрда қабул қилинган № 654-сонли буйруғидаги тартиб асосида иш олиб борган [13].

Фарғона водийсида 1947 йилда Чимён курорти ташкил этилиб, 1951 йилда эса Чимён посёлкасида 20 ўринлик касалликларни даволовчи стационар очилади. Унинг очилишини яна бир сабаби, табиатнинг даволаш учун мавжуд қулайликларга эгаллиги бўлиб, совет тадқиқотчиларини бу жойлар эътиборидан четда қолмади. Чимён санаторияси биринчи тоифадаги тоғ-иқлим курорти хисобланиб, унда казарма типидagi бараклар ва кам сонли ўтовлар дам олувчи ва доволанувчиларга ётоқ сифатида хизмат қилган [14].

Чимён касалликларни даволовчи стационарининг асосий даволовчи воситаси-

бир литр сувда 150-240 грамм сероводород бўлган субтермаль хлорид-натрийли сувдан иборат бўлган. Н.А.Семашко номидаги Ўзбекистон давлат физиотерапия ва курортларни ўрганиш илмий-текшириш институти бу минерал сульфитли сувларни клиник жихатдан ўрганди ва бу ерда касалларни даволаш йўлларини ишлаб чиқди.

#### 4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Мамлакатимиз аҳолиси қадимдан табиий минерал манбалар; шифобахш сув ва балчиқ, офтоб, иқлим билан ўз саломатликларини тиклаб боришни билишган. Лекин аҳоли ушбу шифобахш манбалардан "ўз билганларича" фойдаланганлар.

XIX асрнинг 70 йилларига келиб Европа олимларининг Ўрта Осиёдаги бундай шифобахш омилларга бўлган қизиқиши ортиб боради ва худудлардаги бундай манбалар ўрганила бошланади. Натижада дастлабки европача кўринишидаги санатория-курортлар Ўрта Осиё худудига кириб келади. Юқорида кўрсатиб ўтилган Ўзбекистондаги дастлабки шифо масканлари, Чор Россияси ҳамда Советлар ҳукумронлиги даврида секин асталик билан ташкил этилди, янгидан янги сув манбалари ўрганилди ва ривожланиб борди. Натижада бу масканлардан маҳаллий аҳолини аввалгидек ўз билганича фойдаланиши йўқола бошлади, ҳамда бу жойлар давлат тасаруфига ўтказилди.

Шифо масканларини давлат тасаруфи доирасида ташкил этилиши натижасида, маҳаллий аҳолининг кам таъминланган қатламини бу жойлардан фойдаланиш имкониятлари чекланди ва уларнинг ўрнини харбийлар, зодагонлар, ҳамда савдогарлар эгаллади. Бу ҳолат айниқса Чор Россияси ҳукумронлиги даврида юқори даражага кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Собиқ совет ҳукумати ҳокимият теппасига келгандан кейинги йилларда эса, бу жойлардан чекланган миқдорда бўлса ҳам маҳаллий аҳолини фойдаланиш имконияти туғилди.

Фарғона водийсидаги ташкил этилган шифо масканлари маълум камчиликларга эга бўлса ҳам, йиллар давомида маҳаллий ва европа миллатига ҳос бўлган аҳолига хизмат қилиб келди.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

[1] Faybushevich V.M. Resorts of Uzbekistan. The Red Uzbekistan and Pravda Vostoka Joint publishing house. 1953. 5-6

[2] A note on the Khazret Ayub mineral spring. Turkestan statements. 1882. No 30; Shimansky. There is still a word about the Chimgan sphinitarian station. Turkestan statements. 1885. No 15.

[3] Uspenskiy U.D. Kara tubinskoe Sanitary hygienic ststion. Reference book Samarkand. 1896. P 52.

[4] Peskiy Yu. The resorts of Turkestan. Tv 1914. No 254

[5] District of Syrdarya. Tashkent. 1896. T 5. P 166-167.

[6] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 100th case. Page 28.

[7] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 100th case. Page 30.

[8] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic

of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 100th case. Page 31.

[9] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 100th case. Page 32.

[10] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 100th case. Page 33.

[11] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 54th case. Page 44.

[12] State archive of scientific, technical and medical documentation of the Republic of Uzbekistan. Fund 14. List 1. 133th case. Page 70.

[13] N.S.A.R.U. stok r 837. List 4513. Page 33.

[14] N.S.A.R.U. stok r 837. List 393. Page 4.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000